

**Рамазон рўзасини тутиш вожиблиги ва рўза тутиш
фазилати ва шунга боғлиқ масалаларнинг баёни
ҳақидаги боб**

﴿بَابُ وَجْهِ صَوْمِ رَمَضَانِ وَبِيَانِ فَضْلِ الصَّيَامِ وَمَا يَتَعَلَّقُ بِهِ﴾

من كتاب رياض الصالحين

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Абу Абдурраҳмон Насафий

Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿باب وجوب صوم رمضان وبيان فضل الصيام وما يتعلّق به﴾

من كتاب رياض الصالحين

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلوة والسلام على نبينا محمد و على آله وأصحابه ومن تبعهم
بإحسان إلى يوم الدين

باب وجوب صوم رمضان وبيان فضل الصيام وما يتعلّق به

**Рамазон рўзасини тутиш вожиблиги ва рўза тутиш фазилати ва
шунга боғлиқ масалаларнинг баёни ҳақидаги боб**

Азиз ва муҳтарам мусулмон биродарлар. Ушбу муборак ойда Аллоҳ таъоло ажру-
савобларни жуда мўл-кўл қилиб беради. Унда эзгулик истовчи ҳар бир киши учун яхшилик
эшиклари очилади. Бу ой хайру-баракотлар ойи бўлиб, унинг аввали раҳмат, ўртаси
мағфират ва охири дўзах азобидан озод қилишдир. Яна бу ойда солих амаллар кўп
бўлганлиги ва амал қилувчи кишиларни тарғиб қилиш учун Жаннат эшиклари очилиб,
гуноҳкор мусулмонлар кам бўлгани учун Дўзах эшиклари беркитилади ва Шайтонлар
занжирбанд қилиб қўйилади. Араб тилида (савм ёки сиём) сўзлари тийилиш маъносини
англатиб, унинг шаръий маъноси - бомдод вақти киришидан (яъни фажри содикдан) то
қуёш ботгунча холис Аллоҳ учун ейиш-ичиш ва жинсий алоқа қилишдан тийилиш билан
унга ибодат қилиш дегани. Инсон ушбу нарсалардан фақат урф-одат ёки бадан соғлиги
учун тийиладиган бўлса, у ибодат ҳисобланмайди. Рамазон ойи эса қамарий ҳисоб бўйича
тўққизинчи ой бўлиб, Шаъбон ва Шаввол ойлари орасида жойлашган. Бу ой рўзасини
тутиш янги ойни кўриш билан бошланиб, Шаъбоннинг янги ойини кўриш билан
якунланади. Агар янги ойни кўришдан булат ва чанг-тўзон каби нарсалар ман қилса, унда
Шаъбон ойини тўлиқ (яъни ўттиз кун) қилиш билан рўза тутиб бошланади. Муаллиф
роҳимаҳуллоҳ бу бобни ушбу ояти-карима билан бошлиядилар:

قال الله تعالى : " يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصَّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ " إلى قوله تعالى: " شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِلنَّاسِ، وَبَيِّنَاتٍ مِنَ الْهُدَى وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهَدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمِّمْهُ، وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا، أَوْ عَلَى سَفَرٍ، فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ " الآية 183-185 من سورة البقرة.

Аллоҳ таъоло рўза ва унинг фарз қилиниши хақида шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آتَيْنَاكُمْ كِتَابَ عَلَيْكُمُ الصَّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ . أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخْرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامٌ مِسْكِينٌ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ (سورа бирга: 183-184)

"Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутади. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир қунлик таоми микдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир.¹

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنْزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهَدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلِيَصُمِّمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخْرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلَئِكُمُلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَى مَا هَدَاهُكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ (سورа бирга: 185)

(У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди,

¹ Бақара: 183-184.

сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва хидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр килсангиз.²

وأما الأحاديث فقد تقدمت في الباب الذي قبله

Бу бобга тегишли ҳадислар эса юқориги бобда зикр қилинди. Шунинг учун рўзанинг фарзлиги ва унинг ислом рукнларидан бири эканига далолат қиладиган Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхунинг ҳадислари билан кифояланамиз.

عن ابن عمر، رضي الله عنهمَا، أَن رَسُولَ اللَّهِ، صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ بْنِ إِلَيْهِ السَّلَامَ عَلَى
خَمِيسٍ: شَهادَةُ أَن لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ؛ وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ، وَحِجَّ
الْبَيْتِ، وَصِرْهُومُ رَمَضَانِ مَنْفَقٌ عَلَيْهِ.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ислом бешта руқн ўстига қурилган; Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиги ва Мухаммад унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закот бериш, Каъбага бориб, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш", - деган эканлар. (*Муттакафакун алайҳ*)

وعن أبي هريرة رضي الله عنه، قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : قال الله عز وجل: كل عمل ابن آدم له إلا الصيام، فإنه لي وأنا أجزي به . والصيام جنة؛ فإذا كان يوم صوم أحدكم فلا يرث ولا يصحب، فإن سابه أحد أو قاتله، فليقل: إني صائم . والنبي نفس محمدٍ بيده خلوف فم الصائم أطيب عند الله من ريح المسك . للصائم فرحتان يفرحهما: إذا أفطر فرح بفطره، وإذا لقي ربه فرح بصومه منفق عليه.

وهذا لفظ روایة البخاري. وفي روایة له: يترك طعامه، وشرابه، وشهوته، من أجله، الصيام لي وأنا أجزي به، والحسنة بعشر أمثالها

² Бақара: 185.

وفي روايةٍ لِّمُسْلِمٍ: كُلَّ عَمَلٍ أَبْنَ آدَمَ يُضَاعِفُ : الْحَسَنَةُ بِعِشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سِبْعِمَائَةِ ضَعْفٍ .
قالَ اللَّهُ تَعَالَى : إِلَّا الصُّومُ فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ : يَدْعُ شَهْوَتَهُ وَطَعَامَهُ مِنْ أَجْلِي . للصائم
فرحتان: فرحةٌ عند فطره، وفرحةٌ عند لقاء ربِّه . ولخلوف فيه أطيب عند الله من ريح
المسك.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: "Аллоҳ азза ва жалла: Одам боласи қилган барча амал ўзи учун. Рўза эса бундан мустасно, чунки у мен учун ва унинг мукофотини ўзим бераман,-дейди. Рўза қалқондир; агар биронталарингизнинг рўза тутадиган куни келиб қолса, сўкинмасин, шовқин-сурон қилмасин. Агар бирор уни сўкса ёки у билан уришса, "Мен рўзадорман",-десин. Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки рўздор оғзидаги бадбўй ҳид Аллоҳ хузурида миск ҳидидан кўра хушбўйроқдир. Рўздорнинг икки хурсандчилиги бор; оғиз очганда оғиз очганлиги билан хурсанд бўлса, Парвардигори билан учрашганда рўзаси билан хурсанд бўлади". (*Муттафақун алайҳ*)

Бу ривоят имом Бухорий ривоятларидан бири. Бошқа бир ривоятларида: "Мен учун егулик-ичкилиги ва шахватини тарқ қилади. Рўза мен учун ва унинг мукофотини мен бераман. Ваҳоланки битта ҳасана ўн баробар қилиб берилади",-дейилган экан. Имом Муслим ривоятида эса: "Одам фарзандининг барча амали бир неча марта зиёда қилинади, битта ҳасана ўн баробардан етти юз баробаргача зиёда қилинади. Аллоҳ таъоло айтадики: Рўза булардан мустасно, чунки у мен учун ва унинг мукофотини ўзим бераман. Чунки у таоми ва шахватини мен учун тарқ қилади. Рўздорнинг икки хурсандчилиги бор; бири оғиз очганда, иккинчиси Парвардигори билан учрашганда. Унинг оғзидаги бадбўй ҳид Аллоҳ хузурида миск ҳидидан кўра хушбўйроқдир",-дейилади.

Шарҳ:

Яъни Аллоҳ таъоло рўза ибодатини бошқа барча ибодатлар орасидан ўзига хослаб олган экан. Рўза мутлақо ибодатларнинг энг буюги, чунки у банда билан Аллоҳ таъоло ўртасидаги сир ҳисобланади. Сиз одамлар орасидаги рўза тутган кишига боқингчи, уни рўза тутган ёки тутмаганини аниқлай оласизми?! Йўқ, албатта, чунки унинг нияти бизга номаълум. Рўздор одамлардан холи жойда бўлса ҳам, рўза орқали ҳаром қилинган нарсаларни тановул қилмайди, Аллоҳнинг азобидан қўрқиб ва унинг ажру-савобларини умид қилиб, уларни тарқ қилади, чунки у хилватда ҳам ундан хабардор Парвардигори бор

эканини ва ўша зот бу нарсаларни унга ҳаром килганини билади. Бу улуг ىбодатдаги ихлос ўта катта бўлгани учун ҳам Аллоҳ таъоло уни бошқа барча ибодатлар орасидан ўзига хослаб олган экан. Уламолардан Суфён ибн Уяйна роҳимахуллоҳ айтишларича: "Қиёмат куни Аллоҳ таъоло бандасини ҳисоб-китоб қилиб, унинг зиммасидаги ўзгаларнинг ҳақларини қилган барча амалларидан олиб берар экан, тойинки рўздан бошқа амал қолмагач, қолган ҳақларни Аллоҳ ўз зиммасига олиб, уни тутган рўзаси билан Жаннатга киргизар экан". Демак, рўздан бирон кишининг ҳақи олинмас экан, чунки рўза Аллоҳ таъоло учун хос ибодат бўлиб, унда бирон кимсанинг ҳақи йўқ экан.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки сабр уч хил бўлади:

1. Аллоҳ таъолонинг тоатига сабр қилиш.
2. Аллоҳ таъолога маъсият қилишдан сабр қилиш.
3. Аллоҳ таъолонинг қазойи-қадарига сабр қилиш.

Рўза эса сабрнинг мана шу уч турини ўз ичига олгани учун унинг ажру-савоби ҳисоб-китобсиз берилиб, у сабрли кимсалар сафидан жой олар экан. Аллоҳ таъоло сабрли кимсалар ҳақида ўз китобида: *(إِنَّمَا يُؤْفَى الصَّابِرُونَ أَجْرٌ هُمْ بَعْدِ حِسَابٍ)*³, -дейди, яъни: "**Ҳеч шакшубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз, тўла-тўкис қилиб берилур**", -деб марҳамат қиласи.

Энди рўздорнинг Аллоҳ таъолонинг тоатига сабр қилишига келсак, чунки у баъзида рўзани ёқтираслигига қарамасдан ўзини бу ибодатни тўла-тўкис адо қилишга ундайди. Лекин унинг бу ёқтираслиги рўзадаги мashaққат сабабли бўлади, Аллоҳ фарз қилганлиги учун эмас, чунки Аллоҳ фарз қилганлиги учун ёқтирамайдиган бўлса, унинг қилган амаллари бекор бўлиб, куйиб кетади. Шу мashaққатларга қарамасдан ейиш-ичиш ва жинсий алоқадан ўзини тийишлик билан бу ибодатни комил бажаришга ҳаракат қиласи. Шу боис Аллоҳ таъоло унинг бу амалини мақтаб, ҳадиси кудсийда: "**Мен учун егулик-ичкилиги ва шахватини тарқ қиласи**", -дейди.

Рўздорнинг Аллоҳ таъолога маъсият қилишдан сабр қилишига келсак, бу рўздор учун бўлиб турган нарса, чунки у Аллоҳга исён қилмаслик учун ўзини уриш, сўкиш, ёлғон гапириш ва бехуда гап-сўзлардан тияди.

Сабрнинг учинчи хили бўлмиш Аллоҳ таъолонинг қазойи-қадарига сабр қилишликнинг маъноси шуки: инсонни рўза кунларида хусусан иссиқ ва узун кунларда малолланиш, эриниш ва чанқаш каби унга озор берадиган ҳолатлар қамраб олади. Шуларга қарамасдан рўздор рўзасини Аллоҳ розилигини истаб тутганлиги учун бу ҳолатларга сабр қиласи.

Аллоҳ таъоло рўза ҳақида: "... унинг мукофотини ўзим бераман..". деб, бизга унинг мукофотини фақат ўзигина беражагини билдириди. Чунки солиҳ амалларнинг ажру-

³ Зумар: 10.

савоблари адад билан орттириб зиёда қилинади, битта ҳасана ўн баробардан етти юз баробаргача орттириб зиёда қилинади. Аммо рўзанинг мукофотини эса, хеч қандай ададни эътиборга олмасдан Аллоҳ ўзи беражагини хабар қилди, ваҳоланки у энг сахий зот бўлиб, бериладиган атонинг микдори уни берувчи зотнинг мартабасига караб бўлади. Бундан келиб чиқадики рўзанинг ажру-мукофоти бехисоб катта бўлади.

Ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Рўза қалқондир", -дедилар, чунки у рўздорни сўкиниш ва беҳуда сўзлардан сақлайди. Шунинг учун ҳам ҳадисда: "...агар биронталарингизнинг рўза тутадиган куни келиб қолса, сўкинмасин, шовқин-сурон қилмасин", -дейилган. Шу билан бирга рўза ўз соҳибини Дўзахдан сақлайди; имом Аҳмад ҳасан иснод билан ривоят қилган ҳадисда бу ҳакида: "Рўза банда у билан Дўзахдан сақланадиган қалқондир", - дейилади.

Рўздор оғзидаги бадбўй хид Аллоҳ ҳузурида миск ҳидидан кўра хушбўйроқдир, чунки бу хид рўза ибодатидан келиб чиққанлиги сабабли Аллоҳ учун суюкли ва хушбўй саналади.

Рўздорнинг иккита хурсандчилиги бор. Бири оғиз очганда, иккинчиси Парвардигори билан учрашганда. Оғиз очганда энг солиҳ амаллардан бўлмиш рўза ибодатини тўла-тўқис бажаришга Аллоҳ уни муваффақ қилганлиги билан суюнади, зеро қанча-қанча кишилар бу улуғ ибодатни адо этишдан маҳрум бўлишгани кўпчилигимизга маълум. Шунингдек рўздор ҳолида унга ҳаром қилинган ейиш, ичиш каби нарсаларни оғиз очгандан сўнг ҳалол қилганлиги билан хурсанд бўлади. Парвардигори билан учрашгандаги хурсандчилигининг боиси қиёмат куни ажрга энг муҳтоҷ бўлиб турган чоғда Аллоҳ таъоло ҳузурида рўзасининг ажрини бекаму-куст, тўлиғича олган вақтда тутган рўзаси билан хурсанд бўлади.

Яна бу ҳадисдаги рўздорга бўлган йўл-йўриклардан бири: агар бирон киши уни сўкса ёки у билан жанжаллашса, сўкинмасдан, шовқин-сурон қилмасдан: "Мен рўздорман", -деб жавоб беришлигидир. Ушбу жавоби билан ўчини олишдан ожиз эмаслиги, балки рўзани эҳтиром қилётганига ишора қиласи ва бу билан ўртадаги жанжал ва сўкинишларга барҳам берилади. Аллоҳ таъоло айтадики:

وَلَا تَسْتَوِي الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ اذْفَعُ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا أَلْذَى الَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاؤُهُ
كَانَهُ وَلِيٌ حَمِيمٌ (34) وَمَا يُلْقَاهَا إِلَّا الَّذِينَ صَبَرُوا وَمَا يُلْقَاهَا إِلَّا ذُو حَظٍ عَظِيمٍ (35)
فصلت: 34-35

Яъни: "Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан дафъ қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват

бўлган кимса жонажон дўст қаби бўлиб қолур. Унга (ёмонликни яхшилик билан дафъ қилиши хислатига) фақат сабр-тоқатли зотларгина эришурлар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришур”,⁴ -дейди.

Шундай экан бу улуғ ибодатни адо қилаётган пайтда ниятларимизни Аллоҳ учун холис қилиш ва амалларимизни риёкорликдан асрашга катта аҳамият бериб, амалларимизга путур етказадиган нарсаларни олдини олишимиз керак бўлади.

Аллоҳ таъолодан ушбу муборак ойда ҳаммамизни ўзи севган эзгу амалларга муваффақ қилиб, тутган рўзаларимиз, ўқиган намозларимиз ва қилган эҳсонларимизни ўз даргоҳида қабул қилишини сўраб, ушбу дарсимиизни яқунлаймиз.



⁴ Фуссилат: 34-35.